КУЛТАРҚАН (АРХАНАН) БИТИГИДАГИ ЭТНОГРАФИК ТАСВИР ХУСУСИДА

Дустмуродов Маъруфжон Мансур ўғли

https://doi.org/10.5281/zenodo.18059725

ANNOTATSIYA

Қадимги Турк, Уйғур ва Қирғиз хоқонликлари даврида яратилган битигтошлар туркийлар тарихининг илк ёзма адабий ёдгорликлари сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бу адабий манбалар матнига эътибор қаратилганда сиёсий ва ҳарбий жараёнлар, ғалабалар, тарихий шахсларнинг мардоновorлигига асосий урғу берилгандек кўринади. Лекин шундай ёдномалар ҳам борки, уларда қадимги туркийларда кечган этномаданий жараёнлар ҳақида қисқа бўлса-да тасвирлар кўзга ташланади. Шундай битиглардан бири ҳозирги Мўғулистон ҳудудан топилган Арханан битигидир. Унда илк ўрта асрларга хос анъана, маросим тасвирлари мавжуд. Қуйида ушбу қисқа матндаги лексик бирликлар хусусида баҳс юритамиз.

KALIT SO‘ZLAR

Турк-руник ёзуви, Уйғур хоқонлиги, эпитафия, этнография, қадимги туркий тил.

АННОТАЦИЯ

Надписи, созданные в период древнетюркского, уйгурского и кыргызского каганатов, имеют большое значение как первые письменные литературные памятники истории тюрков. При внимательном изучении текста этих литературных источников, как представляется, основной акцент делается на политических и военных процессах, победах и доблести исторических личностей. Однако встречаются и надписи, содержащие краткие описания этнокультурных процессов, происходивших у древних тюрков. Одной из таких надписей является Архананская надпись, найденная на территории

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Тюркско-руническое письмо, Уйгурский каганат, эпитафия, этнография, древнетюркский язык.

современной Монголии. Она содержит описания традиций и ритуалов, характерных для раннего Средневековья. Ниже мы рассмотрим лексические единицы этого краткого текста.

ABSTRACT

The inscriptions created during the period of the ancient Turkic, Uyghur and Kyrgyz khaganates are of great importance as the first written literary monuments of the history of the Turks. When paying attention to the text of these literary sources, it seems that the main emphasis is placed on political and military processes, victories, and the valor of historical figures. However, there are also inscriptions that contain brief descriptions of the ethnocultural processes that took place among the ancient Turks. One of such inscriptions is the Arkhanan inscription, found in the territory of present-day Mongolia. It contains descriptions of traditions and rituals characteristic of the early Middle Ages. Below we will discuss the lexical units in this short text.

KEY WORDS

Turkic-runic writing, Uyghur khaganate, epitaph, ethnography, ancient Turkic language.

KIRISH

Қадимги руник ёзув тизими туркий халқлар орасида ёзма маданиятнинг юзага келиши ва ривожланишига замин яратди. Бу битиглар нафақат ёзув тарихи учун, балки бутун туркий цивилизациянинг илк тараққиёт босқичини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ёзув тизими асосида яратилган битигтошларнинг номинациясига хос энг муҳим жиҳат уларнинг номи ёднома бағишланган тарихий шахс ёки битиг матнидаги воқеалар марказида турувчи қаҳрамон ёҳуд битиглар топилган ҳудуддан келиб чиқиб қўйилганидадир. Арханан ёки Қултарқан битиги ҳам шундай нуқтаи назардан келиб чиқиб номланган. Хусусан, Мўғулистоннинг Булган вилоятининг Хишиг-Ондор минтақасидан 40 км жанубда Арханан тоғи яқинида топилганлиги сабабли у Арханан, Ар ханин ёки Қултархон ёзуви деб ҳам аталади. “Арханан” сўзи мўғулча *ар* – “шимол”, *хан* – “девор (ҳимоя)тоғлар” сўзларидан шаклланган бўлиб, “шимолдан ҳимояланган” деган маънони англатади[1]. Арханан битиги қоя устига вертикал равишда ўйилган ва уч қатор руник ёзувдан иборат. Унинг аниқ санаси номаълум, аммо матндаги аксар

[1] Архананская надпись // Тюркологический сборник. с: Ц. Баттулга – Том. 2011–2012. – М., 2013 – С. 204.

шаклларнинг уйғурча белгиларга ўхшашлиги ҳисобга олинганда, унинг Уйғур хоқонлиги даврига тегишли эканлигини тахмин қилиш мумкин. С.Кляшторнй-Э.Трйжарски уни VIII асрнинг иккинчи ярми ёки IX аср бошларига боғлайди[2]. И.Кормушин-Т.Баттулга эса тахминан IX асрнинг ўрталарига тегишли бўлиши мумкинлигини таъкидлайди[3].

Адабиётлар таҳлили. Битигнинг дастлабки фотосуратлари О.Намнандорж ва Х.Лувсанбалдан томонидан олинган. Битиг биринчи марта Э.Трйжарски томонидан 1965 йилда нашр этилган. Тадқиқот С.Кляшторний томонидан чоп этилган мақолада тўлиқлаштирилган. 1977 йилда Арханан ёзуви мўғул томонида С.Каржаубай, А.Очир ҳамда совет томонида С.Кляшторнийдан иборат мўғул-совет тадқиқот гуруҳи томонидан ҳам текширилган ҳамда натижалар мўғул ва совет томонидан алоҳида нашр этилган. Битигнинг ўқилиши бўйича олимларнинг қарашлари сезиларли даражада фарқ қилади. Э.Трйжарскининг тадқиқоти 1962 йилда Мўғулистон Миллий марказий музейининг фотографи Гомбояв томонидан олинган ретушланган фотосуратларга асосланган[4]. У бошқа ишларида ҳам бу ёдномага алоҳида тўхталган[5]. С.Кляшторний-Э.Трйжарски ўз ишларида фойдаланган фотосуратлар етарли эмаслигини ва улар асосан С.Кляшторнийнинг қўлёзма нусхаларига таянганликларини таъкидлаган[6]. Б.Ўзундернинг тадқиқоти аввалги тадқиқотчиларнинг матнларига асосланган. Сўнгги йилларда битигни жойида текширган мўғул тадқиқотчиси Т.Баттулга ва С.Кормушин-Т.Баттулга[7] ишлари аниқроқ фотосуратларни яратди. Ушбу иш мавжуд тадқиқотларнинг тасвирлари ва руник матнларини таққослаш орқали яратилган. Битигга оид илмий изланишлар О.Намнандорж[8], Э.Ринтчен[9],

[2] Кляшторный С.Г., Триярский Э. Улучшенное издание арханского письма // Rocznik Orientalistyczny. T. XLVII. – Варшава. 1990 – С. 66.

[3] Кормушин И., Баттулга Т. Тюркологический Сборнок (2011-2012), Российская академия наук Институт восточних рукописе. – М., 2013. – С. 218.

[4] Tryjaski E. L'inscription turque runiforme d' Arkhanen en Mongolie. *Ural-Altaische Jahrbücher.*36/3-4: 1965 – С. 423-428.

[5] Tryjarski E. L'Inscription turque runiforme d"Arkhanen, en Mongolie // Ural-Altaische Jahrbucher. Wiesbaden, 1965 36, fasc. 3-4. 1964 – P. 423-428.; Харжаубай С.Надпись на скале Арханана // Хэл зохиол судлал . XIV.боть, 1-25-р дэвтэр.Улаанбаатар,1984 – Х. 90-93.; Kljastorny S., Tryjarski E. An Improved Edition of the Arkhanen Inscription // Roznik orientalistyczny, XLVII, z.1. 1990 – P. 66-68.

[6] Кляшторный С.Г., Триярский Э. Улучшенное ... – С. 65.

[7] Кормушин И., Баттулга Т. Тюркологический ... – С. 218.

[8] Намнандорж О.Арван өдрийн шинжилгээний аялал // ШУА, N5.х. 1956 – Х. 38-41.

[9] Rintchen E. B. *Les designs pictographiques et les inscriptions sur les rochers et sur les stelles en Mongolie recueillis (Corpus Scriptorum Mongolorum)*. – Ulaanbaatar. 1968.

С.Каржаубай[10], Ў.Барутчу[11], Т.Баттулга[12], Э.Айдин[13], Ч.Алйилмаз-У.Мерт[14], З.Ўлку[15]лар томонидан олиб борилган.

Тадқиқот методологияси. Мавзуни ёритишда тавсифий, қиёсий-тарихий, статистик таҳлил методларидан фойдаланилган. Ушбу методлар уйғун қўлланиши уйғур ёзма меросини нафақат филологик ёки тарихий факт сифатида, балки туркий цивилизациянинг муҳим босқичи сифатида бутунликда талқин қилиш, унинг тил, адабиёт, дин, маданият ва тафаккур тараққиётидаги ўрнини ҳар томонлама ёритиш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар. Атиги уч сатр сифатида олинадиган Арханан битигидаги лексик бирликлар қўлланиш, маъно ва вазифасига кўра тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортади. Биринчи сатр нисбатан сўзларга салмоқдор бўлиб, унда Муқаддас маликанинг жияни Ботир Эркин шаҳар зобити бўлганлиги ва Кул Тарқан куёв олиб келганлиги кўрсатилган. Сатр “Иккиси тошдек мустаҳкам бўлсин!” деган фаровонлик ибораси билан якунланади. Иккинчи сатрда: “Мен битиг битдим. Қутлуғ қоядек баракали бўлинг”, дейилган. Учинчи қаторда, ёзув муаллифи хизматкор бўлганинини айтгандан сўнг, у яна бир бор дуо тилаб, ёзувни тошга ўзи ўйиб ёзганини айтади.



Арханан битиги (парча). Т.Баттулга расми.

[10] Karjaubay, Sartkojaulı. “Nadpis’ Arhanana”. *Hel Zohiol Sudlal* 4, 1979 – P. 102-106.; Ўша муаллифлар: “Nadpis’ na skale Arhanana”. *Hel Zohiol Sudlal* 14/1-25, 1980 – P. 90-93.; Ўша муаллифлар: *Orhon Muraları*. Almatı. 2012.
[11] Barutçu Özönder F. Sema. “Eski Türk Çağı Kaya Yazıtları: I. Örük Yazıtı, II. Hangiday Yazıtı, III. Arhanan Yazıtı”. *Kök Araştırmalar* 2/1, 2000 – S. 121-134.
[12] Battulga T. *Mongolın runi biçgiyn baga dursgaluud.* Ulaanbaatar: Corpus Scriptorum. 2005.; Ўша муаллиф: *The Small Monuments of Mongolian Runic Inscription.* Archaeological Relicks Of Mongolia Catalogue Series. Ulaanbaatar. 2020 – S. 142-143.
[13] Aydın Erhan. *Uygur Yazıtları.* İstanbul: Bilge Kültür Sanat Yay. 2018.
[14] Alyılmaz Cengiz-Osman Mert. “Moğolistan’daki (Kök)Türk Harfli Yazıtlar”. Bilgehan Atsız Gökdağ-Saadettin Y. Gömeç-Osman Karatay (Ed.): *Ortak Türk Tarihi*, c. 6, Ankara: Yeni Türkiye Yay., 2019 – S. 71-220.
[15] Zeynep Ülkü Sinanoğlu. Arhanan Yazıtı Üzerine Notlar. Dil ve Edebiyat Araştırmaları (DEA), Sonbahar, 2021 – S. 391-407.

Қуйида қадимги уйғур туркчасида битилган матннинг транскрипцияси ва табдилини келтирамиз:

1. *“t(ä)ŋr(i)k(ä)n : qunč(u)y : yäg(ä)n : botur? : ärk(i)n : b(a)l(ï)q*[16] *: (ä)ri bolï : turdï : y(a)ŋï kül t(a)rq(a)n : küd(ä)gü k(ä)l(i)rti : bu ... äkin q(a)ya : t(ä)g b(ä)k bolzun* – Муқаддас маликанинг жияни Ботир Эркин шаҳарда аскар бўлиб турди. Янги Кул Тарқан куёвни олиб келди. Бу иккаласи тош каби мустаҳкам бўлсин.

2. “*...bit(i)g bit(i)d(i)m : q(a)ya : t(ä)ŋr(i)k(ä)n : qutl(u) γ bol(u)ŋ* – ... мен битиг битдим. Қутлуғ қоядек баракали бўлинг”.

3. “*qul ačuq a : qutl(u)γ : bol(u)ŋ : q(a)ya : ru urt(u)m* – Қулчуқ (Худонинг хизматкори Чоқа/Ачуқа)[17] – хизматкор. Қутлуғ бўлинг. Мен тошга ўйиб ёздирдим”.

Биз бу ердаги эътибор қаратишимиз керак бўлган ўрин биринчи сатрнинг “*q(a)ya : t(ä)g b(ä)k bolzun* – тош каби мустаҳкам бўлсин” жумласидир. Мазкур иборанинг таҳлилига кенг ўрин беришдан аввал шу ўринда битигдаги этник тасвирда тилга олинган келин, куёв ва бошқа шахсиятларга тўхталиб ўтсак. Битигдаги этнографик тасвирдаги асосий образлар *t(ä)ŋr(i)q(ä)n : qunç(u)y : yäg(ä)n : botur? : ärk(i)n* – муқаддас маликанинг жияни Ботир Эркин”, сатрда куёв – *küd(ä)gü* номи билан ҳам тилга олинган. Қизнинг отаси, куёв (Ботир Эркин)нинг қайнотаси – *y(a)ŋï kül t(a)rq(a)n* – Янги Кул Тарқан. Тилак муаллифи, битиг битувчи *qul ačuq* – қулчуқ (хизматкор). Ва мантиқий келин – Янги Кул Тарқаннинг қизи, Ботир Эркиннинг қаллиғи. Ушбу номлар таҳлилига ўрин берсак.

botur ёки *butur* сўзи қаторда келган унвоннинг тарикибий қисми бўлиб, битиг қаҳрамонининг асл исми сифатида кўрилган[18]. Куёв бўлмиш Эркиннинг *botur* сифати билан эпитетлаштирилиши унинг насл-насаби анча юқори оиладан эканлигини кўрсатади. Яъни у *t(ä)ŋr(i)q(ä)n : qunç(u)y : yäg(ä)n* – муқаддас (Тангридан бўлмиш унвонли) маликанинг жияни. Унинг насабидаги *t(ä)ŋr(i)q(ä)n* унвон-сифатига эътибор қаратадиган бўлсак, манбаларда “илоҳий, худо билан боғлиқ” маъносида изоҳланган *täŋrikän* ҳақида турли қарашлар мавжуд. Уйғур битигларидан Карабалгасун I (1-сатр)да ҳам тилга олинадиган *täŋrikän*га Г.Клаусон “тақводор” маъносини беради[19]. Бу давлат ҳукмдори, яъни хоқоннинг умумий эпитети бўлиб, тавсифловчи ном

[16] Э.Айдинда *avlaq. Бу учун қаранг:* И.Кормушинда balïq. *Бу учун қаранг:* Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 215. Биз И.Кормушин вариантини олдик.
[17] Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 214.
[18] Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 215.
[19] Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. Oxford: Oxford University. 1972. – P. 525.

сифатида[20] аввало қадимги уйғур (лекин туркий эмас) манбалари билан боғлиқ сўз бўлиб, Ўрхун туркий давр ёдгорликларига тегишли бўлган Онгин ёзувида бир неча марта тилга олинади[21]. Ушбу сўз ДЛТда “худога ибодат қилувчи, билағон (номусулмонлар тилида)” дея изоҳланган (ДЛТ III, 398). Ушбу бирикма *täŋri* + *kän* шаклидан ҳосил бўлган деб тахмин қилади[22]. С.Кляшторный, Э.Триярский *täŋrikän* уйғур даври матнларига ишора қилишини ва унинг *täŋritäg* шакли кўктурк матнларида ҳам учрашини ҳамда уни “унинг муқаддас олийжаноблиги” деб талқин қилади [23].

Шунингдек, куёвнинг қариндошлик даражасидаги *qunčuy* сўзига ҳам эътибор қаратиш зарур. *qunčuy* хитойча *gong zhu* (гонг зҳу) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “императорнинг қизи, малика” деган маънони англатиши қайд этилади (ДТС: 466)[24]. Манбаларга кўра, *qunčuy* сўзи дастлаб Хитой империяси томонидан хонларга келин сифатида юборилган қизларни назарда тутиш учун ишлатилган, аммо кейинчалик давлат бошқарувидан мустақил хотинни назарда тутиш учун қўлланилган[25]. Шунингдек, у турк жамиятида “олийжаноб инсоннинг турмуш ўртоғи”[26] сифатида билинган. ДЛТда у “саййида хотин: хонимдан бир даража пастроқ аёл” сифатида изоҳланади (ДЛТ 3, 258). Ўрхун битигтошларида “малика”, Енисей манбаларида эса “хотин” деган маъноларда кўзга ташланган бу сўз Арханан битигида ҳар икки маънода – “хотин” ва “малика” деб қабул қилинган. Кўктурк даври ёзувлари, хусусан, Култегин ва Билга Хоқон битигтошларида 𐰋𐰼𐰺 имлоси учрайди, Тайҳар Чулуу ва Енисей матнларида эса 𐰋𐰼𐰴, “‘𐰺’ - қ” ўрнига “‘𐰴’- к” ҳарфи ишлатилган. Арханан ёзувидаги *qunčuy* имлоси Тайҳар Чулуу ва Енисей ёзувлари тилига мос келади. Умумий маънода куёвнинг бундай насабига эътибор қаратилиши, ҳар ҳолда унинг олий даражали хоним, балки маликанинг қариндошлигига ишора қилади. Қолаверса, шунчаки бир авомнинг тўйи битигчи томонидан тошга бу даражадаги алоҳида эътибор билан тошга битилмасди.

Сатрда куёвинг унвони сифатида кўрилган *ärkin* сўзи манбаларда “қабила бошлиғи оиласидан келиб чиққан, хоқондан қуйи аммо бегдан юқори унвон” деб талқин қилинади[27]. Арханан ёзувида ‘𐰃𐰇𐰼𐰣𐰍’ билан ёзилган бу

[20] Clauson Sir G. The Ongin Inscription. *Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland.* No. ¾. 1957 – P. 185.
[21] Clauson G. An Etymological Dictionary ... – P. 525.; Эрдал М. Древнетюркское словообразование. Функциональный подход к лексике. том. I-II. Висбаден, 1991 – С. 76-77.
[22] Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri. Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara. 2016 S. – 81.
[23] Кляшторный С.Г., Триярский Э. Улучшенное ... – С. 67.
[24] Ölmez M. Eski Türk Yazıtlarında Yabancı Öğeler (3), *Türk Dilleri Araştırmaları.* 1999 – S. 59.; Li Y.-S. Türk Dillerinde Akrabalık Adları. Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara. 2017. – S.356.
[25] Clauson G. *An Etymological Dictionary* ... – P. 635.
[26] Кормушин И.В. Тюркские енисейские эпитафии. Грамматика. Текстологические исследования. – М., 2008 – С.
[27] Clauson G. An Etymological Dictionary ... – P. 225.

лексема куёвнинг ҳарбий ишга алоқадор лавозимда эканлигини кўрсатади. Қолаверса, “*b(a)l(ï)q*[28] *: (ä)ri bolï : turdï* – шаҳарда аскар бўлиб турди” жумласи унинг шаҳарда ҳарбий соҳада хизмат қилгани ва яшаганлигини далиллайди. Айтиб ўтиш лозимки, ҚТТда *balïq* айнан “шаҳар” маъносини англатган. *Ўрду балиқ, Хон балиқ, Бешбалиқ* таркибидаги *балиқ* ҳам айнан шу маънодадир. *är*[29] эса ҚТТда “эр киши, аскар, баҳодир” маъноларида қўлланган. *bolï : turdï* перифразасидаги *тур-* “турмоқ” ёрдамчи феъли билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг узлуксизлиги ва турғунлиги Ботурнинг “шаҳар жангчиси”, яъни шу хизматни бажарувчи шахс вазифасини узоқ муддатли ёки доимий адо этганлигини кўрсатади[30]. Т.Баттулга бу сўзни “жойлашмоқ; яшамоқ” деб ўгирган[31]. Э.Айдин эса *bolup turdï*ни “бўлган” деб талқин қилган[32]. *Ботур Эркин* ҳам зодагон бўлгани учун аристократ хонимга уйланган, буни унинг *ärkin* унвонига эгалиги ҳам асослайди. Бу унинг бирор бўлинма қўмондонлик лавозимини эгаллаганини кўрсатади. *ärkin* исм ёки унвон сифатида яна қуйидаги шахс номларида кўзга ташаланади: *Ärkin Säŋün Tirak* (Мир), *Säbig Köl Ärkin* (БХ), *Tun Yigän Ärkin* (Чўй), *Uluγ Ärkin* (КТ), *Uzal Oŋ Ärkin* (Тар)[33]. Айтиш лозимки, *balïq äri* иборасининг “шаҳар одами/жангчиси” маъносини англатиши ҳисобга олинса, ушбу бирикмадан қадимги турк жамиятида шаҳарнинг ҳарбий кучи сифатида хизмат қилувчи янги бир тоифа ҳам англашилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирги даврда ҳам Эркин шахс номи сифатида фаол қатламни ташкил этади: *Эркин:* эркаклар исми (ЎТИЛ V, 49).

Қизнинг отаси, куёв – Ботир Эркиннинг қайнотаси – *y(a)ŋï kül t(a)rq(a)n* – Янги Кул Тарқан. Ушбу исмдаги *yaŋï* сўзи айнан “янги” деган маънони англатади, лекин у ҚТТда бирор нарсанинг (масалан, йилнинг) бир қисмини англатиш учун ишлатилган. Қадимги уйғурчада бу ойнинг биринчи ўн кунини англатиб, тақвим тизимида VIII асрнинг биринчи ярмидан бошлаб пайдо бўлган ва бу қўлланилиш шакли уйғурчага тегишли[34]. У битигларда ойнинг дастлабки ўн кунини кўрсатиш учун ҳар доим *-ka* қўшимчасини олади (бу

---

[28] Э.Айдинда *avlaq. Бу учун қаранг:* И.Кормушинда *balïq. Бу учун қаранг:* Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 215. Биз И.Кормушин вариантини олдик.

[29] Ҳ.Дадабоевга кўра *är* лексемаси илк бор Кул Тегин битигтоши, Турфон ва Енисей ёдномалари матнида қўлланган (*Бу учун қаранг: Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит –турк”даги эркак жинсини ифодаловчи лексемалар. 2014. – Б. 6*). Кўк турк битигларда *är* лексемасидан кўплик ясовчи *-t* аффикси билан ҳосил қилинган *ärät* истилоҳи “аскарлар, жангчилар” маъносида қўлланилган. “Девону луғотит-турк”да ҳам *är* асосида шаклланган ва ҳарбий маъно ифодалаган қуйидаги ясалмалар талайгина.

[30] Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 216.

[31] Battulga Ts. *The Small Monuments of Mongolian Runic Inscription.* Archaeological Relicks Of Mongolia Catalogue Series. Ulaanbaatar. 2020.

[32] Aydın E. *Uygur Yazıtları.* İstanbul: Bilge Kültür Sanat. 2018.

[33] Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. № 443. – Ankara, 2000. – S. 935.

[34] Ölmez M. Uygur Hanlığı Yazıtları. Ankara: Bilgesu Yayıncılık. 2018 – S. 139.

бўйича Қари Чор Тегин ҳақидаги мақоламизда тўхталган эдик: муал). У қўшимчасиз шаклда фақат Арханандаги ушбу матнда учрайди. Бунда ушбу сўз қаҳрамоннинг таърифи бўлиб, бу унинг лавозимига янги киришганлигига ишора қилмоқда[35]. Бунда уни пайт равиши туркумида билиш лозим.

Қайнотанинг исмидаги *kül* сўзи илк даврларда ҳам хусусий ном сифатида, ҳам унвон сифатида ишлатилган. *Kül Tägin*нинг номи ва бошқа бир қанча ўринларда кўзга ташланадиган *kül* эпитети луғавий жиҳатдан "донгдор, шуҳратли" маъносини ифодалаб, *tägin* субстантиви билан синтагматик муносабатга киришиб, "атоқли, донгдор хоқонзода" маъносини англатган. Ўрхун-Енисей обидалари ва хитой солномаларида хоқонликнинг ҳарбий юрушларида *Kül Tägin*нинг асосий ўринларда тилга олиниши унинг жамиятда эгаллаган мавқейи туфайли ушбу унвонга сазовор бўлган, деб ҳисоблаш имконини беради. Баъзи манбаларга кўра, *kül* сўзи ҲЎАТда ҳам фаол бўлган туркча *кул – ўчоқ* лексемаси билан алоқалантирилади, яъни "қолувчи – ворис" маъносида. Бунда ҳокимиятнинг меросийлиги назарда тутилса керак. А.Темир эса, *kül* ўқишни "олов култи" ва мўғулча *otčigin* – "олов шаҳзодаси" сўзи билан боғлайди[36]. Арханандаги мазкур сўз Б.Ўзундар, Э.Айдин, Т.Баттулгалар томонидан *köl,* Э.Триярский, К.Сарткажоули, Н.Базилҳан ва И.Кормушинлар томонидан *kül* ўқилган. Умуман қайнотанинг номидаги *kül сўзи* "атоқли, номдор" эканлиги ишорадир ва бу битигчи томонидан ҳам таъкидланмоқда.

Манбаларда кўриш мумкинки, *tarqan* ноиб, ўрта даражадаги ҳарбий унвон сифатида кўзга ташланади. Жумладан, Ғарбий Турк хоқонлигининг марказий бошқарувида ҳарбий амалдорлар – *čabïš, tutuγ*, *tarqan* истилоҳлари билан аталган. Шунингдек, *tarqan* истилоҳи "Жуан-жуан давлатида ишлатилганлиги, хоқоннинг туғишганларига *tarqan* унвони берилганлиги, Хитой йилномаларидаги туркларга оид ўринларда қайд этилганлиги маълум" [37]. Бу жиҳатдан унвонлар тизимида Турк хоқонлиги анъанасини ўзлаштирган Уйғур хоқонлиги даврида қайнотанинг ҳокимият ва обрў борасида етук хонадондан эканлиги янада ойдинлашади.

Сатрда янги уйланган йигитнинг мақоми – *куёв* сўзи айнан тилга олинган. Арханандан ташқари Енисей матнларида ҳам учрайдиган *küdägü* сўзи *küdä-,* "турмушга чиқмоқ", *-gü* қўшимчаси билан "қизнинг эри, куёви, турмушга чиқмоқчи бўлган йигит" деган маъносини англатади[38]. Ушбу сўз ҚБ

---

[35] Кормушин И. Архананская надпись ... – С. 215.

[36] Temir A. Türkçe Kül-Tigin ve Moğolca Otçigin Adları Üzerine, K. Röhborn- H. W. Brands (hrsg.): *Scholia. Beiträge zur Turcologie und Zentralasienkunde.(Annemarie von Gabain zum 80.Geburtstag am 4. Juli 1981 dargebracth von Kollagen, Freunden und Schülern).* Wiesbaden, 1981: Harrasowitz. – S. 194-200.

[37] Yıldırım K. Bozkırın Yitik Çocukları Juan-Juan'lar. – Istanbul: Yeditepe Yayınevi, 2015. – S. 82.

[38] Clauson G. *An* Etymological Dictionary ... – P. 703.; Li Y.-S. Türk Dillerinde ... – S. 412.

(QBH, 13_3; QBN, 49) ва ДЛТда (III, 18) ҳам айнан ҚТТдаги шакл ва маънода (*küdägü/ küδägü* – “куёв”, шунингдек, “почча”) тилга олинади. *kälir-* – “олиб келмоқ” феъли эса шу шакл ва маънода Ўрхун-Енисей битигларида ҳам учрайди. Арханда мазкур феъл ўтган замон аффикси *-ti* (-ди) билан шаклланган. Бунда *-ti* (-ди) мазмунан яқин ўтган замонни тасвирламоқда. Англашиладики, келин куёв уйига эмас, куёв келин (қайнота) хонадонига келмоқда. Бунинг учун, албатта, қайнота томонидан янги оила (хусусан, куёв) учун арзирли “сеп” тортиқ қилинган бўлсак керак. Бу “сеп”ни баъзи тадқиқотчилар унумдор ерлар деб тахмин қилишган.

Сатрнинг энг эътиборли жумласи “*bu ... äkin q(a)ya : t(ä)g b(ä)k bolzun* – бу иккаласи тош каби мустаҳкам бўлсин” тилагидир. Бундаги *bu ... äkin / bügikin / bögikin* сўзи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. “бу иккиси, бирга” мазмунида ўгирилган ушбу сўзда *бо~бу* –“бу/бу/булар” кўрсатиш олмоши ва “икки” сўзининг ўзаро сингишиши кузатилган[39]. *q(a)ya : t(ä)g* ўхшатишидаги биринчи сўз ДТС (406), ДЛТ (III, 184) ва ҚБда ҳам айнан ҚТТдаги шаклда “қоя, тош-тоғ” маъноларида изоҳланган. Ўхшатиш воситаси вазифасидаги *t(ä)g* кўрсатиш олмоши қўшимчаси Кўктурк битигларида ҳам фаол кўзга ташланади. *t(ä)g* кейинчалик *t(ä)g > d(ä)g / t(ä)k / d(ä)k > d(ä)y* шаклида тараққий қилди.

Таркибдаги *bäk* сўзи тадқиқотларга кўра биринчи марта Арханда учрайди. Г.Клаусон ва ДТС (92) га кўра, у “қаттиқ; мустаҳкам; ва барқарор” деб талқин қилинади[40]. ДЛТда кейинчалик *-r-* билан кенгайтирилган шакл сифатида пайдо бўлган *bärk* сўзининг асл шакли *bäk* эканлиги айтилган. Қадимги уйғур матнларида ҳар иккала шакл ҳам учрайди. ДЛТда, шунингдек, *бекуишур, бекишмак, бекишди* – “мустаҳкамланди” (ДЛТ II, 116), *беклади* – I “бекитди”, II “сақлади” (ДЛТ III, 307, 448); *бекланди* – I “мустаҳкамланди”, II “турғуланди, қамалди”, III “сақланди” (ДЛТ II, 277-278); *беклатти* – “қаматтирди, сақлашга буюрди (ўғузча)” (ДЛТ II, 394); *беклашди* – I “бекитишди”, II “сақлашди” (ДЛТ II, 236); *бекуди* – “маҳкамлади” (ДЛТ I, 285); *беку(т)ди* – “маҳкамла(т)ди” (ДЛТ II, 357) сўзлари мавжуд. *берк* шакли бир номаълум Енисей ёзувида кўзга ташланади[41]. Эътиборли томони эътиқод ва ишончда *bäk* – “мустаҳкам” сўзининг айнан *qaja* – “тош-тоғ-қоя” билан ёнма-ён ифодаланиши туркий тилнинг кейинги даврларида фаол сақланиб қолди. Хусусан, ҚБдаги “*Anïŋ arqasï bek qaja ol tegim* – унинг мададкорлари қоядек

[39] Кононов А.Н. Грамматика тюркских рунических ... – S. 133-134.
[40] Clauson G. An Etymological Dictionary ... – P. 323.
[41] *Бу учун қаранг:* Erdal M. Eine unbekannte Jenissei-Inschrift aus der Adrianov-Kollektion, J. P. LautMehmet Ölmez (hzl.): *Bahşı Ögdisi*. (Festschrift für Klaus Röhrborn anlässlich seines 60. Geburtstag/60. Doğum Yılı Dolayısıyla Klaus Röhrborn Armağanı) Simurg. Freiburg-İstanbul, 1988 – S. 88.

мустаҳкам” жумласида бу ҳолат яққол кўзга ташаланади (QBK, 82_7). Сатрнинг кесими *bol-* – “бўл-” ва *-zun* (-син) – буйруқ-истак майлидан шаклланган предикат орқали англашилиб турибди. Бунда *bolzun* сўзи ўзидан олдинги *b(ä)k* сифати билан бирикиб, қўшма феълни шакллантирган.

Биз энди сатрдаги “*bu ... äkin q(a)ya : t(ä)g b(ä)k bolzun* – бу иккаласи (келин-куёв) тош каби мустаҳкам бўлсин” тилагининг этномаданий жиҳатига алоҳида тўхталамиз. Бу жумлага оддий қаралганда шунчаки тилакдек кўриниши мумкин, лекин бу ерда жамиятнинг асосий негизи бўлмиш оила учун айтилган туркий тилдаги илк ўзига хос диний-ритуал характерга эга бўлган экспрессив нутқ акти – дуони кўриш мумкин. Ушбу нутқий актнинг деярли ўзгаришсиз ибтидоий кўриниши илк бор айнан Арханан битигида учрайди. Биз ҚТТда ушбу тилакнинг шаклланишида истиорага восита бўлиб хизмат қилган элементлар, *qaja* – “тош-тоғ-қоя” билан боғлиқ этногрфик удум ва маросимларни кўриб чиқдик. Аҳамиятлиси, айнан қиз узатиш маросими (тўй)да қизни узатгандан сўнг ортидан “борган ерида тошдек мустаҳкам бўлсин, қотсин” мазмунида дуою тилак билдирилиши, ҳозирги кунда нафақат ўзбеклар, балки бошқа яна бир қанча туркий халқларда анъаналарида кўзга ташланди. Хусусан, ўзбекларда “маҳалла йигитлари келин олиб кетилаётган машинанинг йўлини арқон билан тўсиб олишади. Куёв томон йигитларни “рози қилгач” арқон олиб ташланади ва “борган жойида тошдек қотсин” маъносида келин кетаётган машина ортидан тош отилади”[42]. Ёки узатилиб, тиниб-тинчиб кетиши исталган қизлар ҳақида гап кетганда *“қиз бола “палаҳмон тоши” деганларидек, борган жойида тошдек “қотсин”,* дейишади”[43]. Қардош қозоқларда, айниқса Алмати, Чимкент, Талдиқўрғон атрофидаги тоғларда келин-куёвлар туйдан олдин ёки кейин фотосессия қилишади. Бу “тоғ – оила пойдевори мустахкам бўлсин” деган эзотерик маъно билан изоҳланади[44]. Қорақалпоқларда қизни уйдан кузатишда *“Сувдай сиңсин, таштай батсын”* дейилиб, ортидан сув сепилиб, майда тошлар отилади[45]. Шунингдек, ўзбек ва бошқа туркий халқларда янги келин-куёв учун қуйидагича **тош-тоғ** билан боғлиқ тилак-дуолар, қасам ва ният иборалар ишлатилади: ўзбекларда *“Тоғ-тош шоҳидим бўлсин”, “Тоғ этаклаган ел йўлдан адашмас”,* қирғизларда *“Бактыңар тоодой болсун”, “Тоо сени колдосун”,* қозоқларда *“Тас төгіп тілеу беру”, “Тастай қатты болыңдар”*

[42] Sharipova Munira. Farg‘ona vodiysi nikoh to‘y marosimlarida milliylik va o‘ziga xoslik. Journal of new century innovations. Volume–15. 2022 – B. 121.
[43] https://surxontongi.uz/2023/12/27/qorongu-tunning-yorug-kuni-bor/
[44] Ушбу маълумот Алматида яшовчи қозоқ миллатига мансуб дўстимиз томонидан асосланди.
[45] Ушбу маълумот қорақалпоғистонлик вакил (профессор Г.Калбаевна) томонидан асосланди.

татарларда *“Тормышыгызның нигезе каты таштай булсын”*[46], *“Таш-су шаһит булсын”,* бошқирдларда *“Тау терәгең булһын”, “Тау-таш күргән юлсан”,* ингушларда *“Са тIеххьар там хоамаш”, “Сий там даьл даьлх хьо”,* туркларда *“Dağlar kadar ömrün olsun”,* озарбайжонларда *“Daş düşsün başıma!”* [47]. Айтиш лозимки, буларнинг деярли барчаси қадимги тангричилик, анимизм ва табиатга сиғиниш эътиқодларининг давоми сифатида шаклланган.

“Ўзбек исмлари маъноси”[48] номли китоб кўздан кечирилганда унда қарийб элликка яқин *тош* таркибли шахс номлари кўзга ташланди. Аҳамиятлиси, *тош* состави исмларнинг барчасига “тош, қоядек мустаҳкам бўлсин” семасини юклаб келган. Хусусан, *Маҳкамтош* – пухта-пишиқ ва тошдек мустаҳкам киз бўлсин (222), *Муқимтош* – турғин, собит ва тошдек маҳкам, яъни умри узоқ киз бўлсин (265) каби. *Алимтош* (28), *Амиртош,* (30), *Анортош* (32), *Асилтош* (36), *Ашуртош* (40), *Бектош* (54) ва ҳ.к. кабилар шулар жумласидан. Озарбайжон туркчасидаги *Daşdəmir – (тур.)* кучли, мустаҳкам, зирҳли, устун, мустаҳкам, тош ва темир каби мустаҳкам бўлсин; *Qayacan – (тур.)* жони тошдек мустаҳкам бўлсин[49] каби исмларда ҳам айнан тош билан боғлиқ умумиуркий инонч ва одатлар бўртиб турибди. Англашиладики, ҚТТдан бери исм танлаш, киз узатиш ёки ўғил уйлашда давом этиб келаётган бу инонч, анъаналарда тош (тоғ)нинг нисбатан умри боқийлиги ва бир жойдан қўзғалмаслиги каби семалари активлаштирилган. Бунга тош (тоғ)ларга бой бепоён қадим хоқонлик ерлари, асосан тошдан бунёд этилган ошиб бўлмас метин қалъаларнинг қадимги турк жамиятидаги ўрни ҳам туртки берган бўлса керак[50]. Тош билан боғлиқ инонч ва эътиборлар

---

[46] Татар дуоларида *ныk нигез* – “мустаҳкам пойдевор” ибораси тўғридан-тўғри тош асосга қурилган уй метафорасидан келиб чиққан.

[47] Туркий тиллардаги ушбу паремиологик бирликларни тўрлашда интернет маълумотларига ҳам таянилди.

[48] Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси: – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2007 – 608 б.

[49] Adların mənası. https://news.milli.az/interest/508303.html

[50] Туркий халқлар урф-одатларида **тош** қадимдан муқаддас, ирода ва табиат қувватига эга буюм сифатида қаралганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Бу эса тош билан боғлиқ турлича маросимлар, ишонч ва одатларнинг келиб чиқиши ва оммалашишига сабаб бўлган. Туркий халқлар маданиятида **тошнинг муқаддас саналиб келиши** бир нечта тарихий, мифологик ва руҳий-маданий омиллар билан боғлиқ. Қуйида бунинг асосий сабаблари изоҳланади: аввало у табиати қатъий, абадий ва ўзгармас модда бўлгани учун қадим туркий тафаккурда мустаҳкамлик, абадийлик, ўзгармаслик каби тушунчалар муқаддаслик меъзони ҳисобланган. Шунинг учун “абадий хотира”ни англатган, қабр тошлар, битигтошлар, ёдгорликлар айнан шундан ясалган. Тош худолар (тангричиликда) ва руҳий дунё билан боғловчи тимсол сифатида туркийлар диний тасаввурида тоғлар ва тошлар руҳлар маскани, табиат қудрати жамланган жой деб эътиқод қилинган. Шунинг учун тошларда “қудрат”, “қувват”, ҳатто арвоҳлар жойлашади, деб ишонишган. Муқаддас тошлар, қадамжой тошлар эса шундан келиб чиққан. Тангри, ер-сув руҳларига қурбонлик маросимларида тошлар қўйилган, улар атрофига қурбонлик маросими амалга оширилган. Тош ёнида қасам ичиш эътиқоди ҳам шу билан боғлиқ: *“Тош — шоҳид, тош — гувоҳ”* деб қаралган. Шунингдек, тошнинг мифологик ва магик функцияси ҳам мавжуд бўлган. Фольклор ва маросимларда тош ёвуз руҳларни қайтарувчи, шифобахш қувватга эга ва назардан сақловчи деб ишонилган. Булар туркийларда тотемизм ва анимизм қолдиқларидир – ҳар бир нарса жони ва қуввати бор деган ишончдан келиб чиққан.

кейинги даврда ҳам давом этдиди. Хусусан, “Девон луғатит турк”да *яда тоши* термини билан боғлиқ мифологик тасаввурлар келтирилган: “*яда* – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар билан фол очиш усулидир (ДЛТ III, 8)”. Маҳмуд Кошғарий афсонавий тош ёрдамида табиатга таъсир ўтказиш маросими ҳақида ҳам тўхталади: *“ятлади* – афсунчи ёмғир ёғдириш учун яда тоши билан дуо ўқитди” (ДЛТ II, 410). Бу термин Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” достонида ҳам тилга олинади: *Яда тошиға қон етгач, ёгин ёғқондек эй соқий, Ёғар ёмғурдек ашкини чун бўлур лаълинг шароб олуд*[51]. “Бобурнома”да Хожа Мулла Садрни таърифланиб: *“Толиби илмлиги бор эди... Қушчулуғни ва ядачиликни ҳам билир эди”* дея тилга олади[52]. Яда тошининг бу хусусияти ўтган асрнинг ўрталаригача жонли сўзлашув тилида фаол қўлланиб, “Шум бола” асарида ҳам ўз аксини топган. Қолверса, туркий эпос ва ривоятларда қаҳрамонларнинг тош билан куч синашиши, тоғ-тошни кўтариш — қудрат белгиси ҳисобланган. Энг муҳими, аждодлар руҳи тоғларда истиқомат қилади, деган эътиқод ҳам тошга нисбатан ҳурматни кучайтирган. “Алпомиш” достонидаги асли Ҳакимбек ҳам тўй олдидан қўйилган бир шартда Асқар тоғ (тош)даги нишонни тўғри мўлжалламоқ лозим эди. Қолаверса, у ёзув ва хотира рамзи (Битигтош анъанаси) сифатида билинган. VIII асрдан эътиборан туркийларда битигтошлар (Тангри йўлида қоятош ёзувлари) шундан пайдо бўлди. Чунки тошга битилган сўз ўчмас, абадий ва халқ хотирасини сақловчи деб қабул қилинган. Шунинг учун ҳам тош муқаддаслашган – у хотирани абадийлайдиган модда эди.

Хулоса. Қадимги туркий битигтошлар туркий халқларнинг энг дастлабки ёзма маданий мероси бўлиб, улар нафақат тил, балки тарих, маданият, фалсафа, давлат бошқаруви, диний қарашлар ва халқ тафаккурини ёритувчи бебаҳо манбалардир. Арханан битиги уч қаторли қисқа матндан иборат бўлса-да, кўплаб тадқиқотчилар уни ўрганишган. Дастлабки тадқиқотлар асосан ушбу битигнинг ўқилиши борасидаги баҳслар билан боғлиқ эди. Бунда, албатта, ҳарфларнинг белгиланишида ҚТТ ва ҳозир туркий тиллар мавжуд лексикасига таянилган. Кейинги даврда битиг лексикаси бўйича у ёки бу даражадаги ишлар кўзга ташланади, лекин ундаги сўз ва бирикмаларнинг этнографик хусусиятлари тўла ўрганилмаган. Ушбу мақолада кўрдикки, ўрта асрлар ва ҳозирги давр туркий дунёсидаги тош билан боғлиқ ритуал қарашларнинг деярли ўзгаришсиз ибтидоий кўриниши илк бор айнан Арханан битигида кўзга ташланади. Таъкидлаш лозимки, омманинг табиат қаршисидаги бирор инончга асосланган мақсадли ҳатти-ҳаракати ёки

[51] Туркий адабиёт дурдоналари. Алишер Навиоий. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2022.
[52] Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Т., 2018. – Б.12

нутқий акти одат, анъана ёки муайян бир маросим негизига айланиб, келгуси авлод учун ахлоқ ва қадрият даражасига етиши учун бир неча асрлар керак бўлади. Демак, айтиш мумкинки, биргина биз тадқиққа олган битигдаги тош билан боғлик юксак даражадаги этнографик тасвир ёзма ҳолатга туширилгунга қадар ҳам бир неча асрларни бошдан кечирган. Бу яна бир бор туркийлар маданий меъроси ёзма шаклга келтирулгунга қадар оғзаки ҳолатда анчайин олдин шаклланиб улгурган ҳамда буни улар бутун территорияга ёйган ва ўз навбатида мана шу маънавий меъросини унутмаган ҳолда қитъанинг турли нуқталарида яшамоқда.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Александр В.С. И.В.Кормушин и его вклад в тюркскую рунологию (к 85-летию ученого). Russian Turkology. № 1–2 (42–43), 2024. – P. 167.
2. Alyılmaz Cengiz-Osman Mert. “Moğolistan’daki (Kök)Türk Harfli Yazıtlar”. Bilgehan Atsız Gökdağ-Saadettin Y. Gömeç-Osman Karatay (Ed.): *Ortak Türk Tarihi*, c. 6, Ankara: Yeni Türkiye Yay., 2019 – S. 71-220.
3. Архананская надпись // Тюркологический сборник. с: Ц. Баттулга – Том. 2011–2012. – М., 2013. – С. 204.
4. Aydın E. *Uygur Yazıtları.* İstanbul: Bilge Kültür Sanat. 2018.
5. Barutçu Özönder S. Eski Türk Çağı Kaya Yazıtları I Örük Yazıtı, II. Hangiday Yazıtı, III. Arhanan Yazıtı. *Kök Araştımalar* 2/1: 2000 – S.130.
6. Battulga T. The Small Monuments of Mongolian Runic Inscription. Archaeological Relicks Of Mongolia Catalogue Series. Ulaanbaatar. 2020.
7. Battulga T. *Mongolın runi biçgiyn baga dursgaluud.* Ulaanbaatar: Corpus Scriptorum. 2005.
8. Bazilhan N. *Kazakstan Tarihı Turalı Turki Derektemeleri II, Köne Türik Bitiktastarı Men Eskertkişteri* (Orhon, Yenisey, Talas). Almatı: Dayk. 2005.
9. Bazin L. Kül Tegin ou Köl Tegin? *Scholia*: K. Röhborn- H. W. Brands (hrsg.): *Scholia. Beiträge zur Turcologie und Zentralasienkunde. (Annemarie von Gabain zum 80.Geburtstag am 4. Juli 1981 dargebracth von Kollagen, Freunden und Schülern).* Wiesbaden, 1981: Harrasowitz. – P. 1-7
10. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси: – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2007 – 608 б.
11. *Дадабоев Ҳ. “Девону луғотит-турк”даги эркак жинсини ифодаловчи лексемалар. 2014. – Б. 6*
12. Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. Oxford: Oxford University. 1972. – P. 525.

13. Clauson Sir G. The Ongin Inscription. *Journal of the Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland.* No. ¾. 1957 – P. 185.
14. Erdal M. Eine unbekannte Jenissei-Inschrift aus der Adrianov-Kollektion, J. P. LautMehmet Ölmez (hzl.): *Bahşı Ögdisi*. (Festschrift für Klaus Röhrborn anlässlich seines 60. Geburtstag/60. Doğum Yılı Dolayısıyla Klaus Röhrborn Armağanı) Simurg. Freiburg-İstanbul, 1988 – S. 88.
15. Erdal M. *Old Turkic Word Formation. A Functional Approach to the Lexicon*, I-II, Wiesbaden: Otto Harrasowitz (OTWF). 1991 – P. 184.
16. Эшонқулов Ж. Фольклоршуносликка кириш. – Т., 2018. – Б.12Gömeç S. Kök Türkçe yazılı belgelerde yer alan unvanlar // Türk kültürü. № 443. – Ankara, 2000. – S. 935.
17. Karjaubay, Sartkojaulı. "Nadpis' Arhanana". *Hel Zohiol Sudlal* 4, 1979 – P. 102-106.
18. Karjaubay, Sartkojaulı. "Nadpis' na skale Arhanana". *Hel Zohiol Sudlal* 14/1-25, 1980 – P. 90-93.
19. Karjaubay, Sartkojaulı. *Orhon Muraları*. Almatı. 2012.
20. Kljastorny S., Tryjarski E. An Improved Edition of the Arkhanen Inscription // Roznik orientalistyczny, XLVII, z.1. 1990 – P. 66-68.
21. Кляшторный С., Триярский Э. Улучшенное издание арханского письма // Rocznik Orientalistyczny. T. XLVII. – Варшава. 1990 – С. 67.
22. Кононов А.Н. Грамматика тюркских рунических памятников VII-IX веков. – Л., 1980 – С. 114.
23. Кормушин И. Архананская надпись // Тюркологический сборник. с: Ц. Баттулга – Том. 2011–2012. – М., 2013. – С. 214.
24. Кормушин И., Баттулга Т. Тюркологический Сборнок (2011-2012), Российская академия наук Институт восточних рукописе. – М., 2013. – С. 218.
25. Кормушин И.В. Тюркские енисейские эпитафии. Грамматика. Текстологические исследования. – М., 2008 – С.
26. Намнандорж О.Арван өдрийн шинжилгээний аялал // ШУА, N5. 1956 – Х. 38-41.
27. Покровская Л.А. Термины родства в тюркских языках // Историческое развитие словаря тюркских языков. – М., 1961 – С. 51.
28. Ölmez M. Eski Türk Yazıtlarında Yabancı Öğeler (3), *Türk Dilleri Araştırmaları.* 1999 – S. 59.; Li Y.-S. Türk Dillerinde Akrabalık Adları. Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara. 2017. – S.356.

29. Ölmez, M. Eski Türkçedeki *biti-, bitig* ve *bitigüçi* Sözleri Hakkında. T. Karaayak-U. Uzunkaya (hzl.): *Esengü Bitig.* (Doğumunun 60. Yılında Zühal Ölmez Armağanı). Kesit Yay. İstanbul, 2021 – S. 622.
30. Ölmez M. Eski Uygur ve Çin Kaynakları Işığında Orhon Yazıtlarında Geçen Yer ve Kişi Adları. *Orhon Yazıtlarının Bulunuşundan 120 Yıl Sonra Türklük Bilimi ve 21. Yüzyıl Konulu III. Uluslararası Türkiyat Araştırmaları Sempozyumu. 26-29 Mayıs 2010, Bildiriler Kitabı,* ed. Ülkü Ç. Şavk, 2. Cilt. – Ankara. 2011 – S. 632.
31. Ölmez M. *Uygur Hanlığı Yazıtları.* Ankara: Bilgesu Yayıncılık. 2018 – S. 139.
32. Rintchen E. B. *Les designs pictographiques et les inscriptions sur les rochers et sur les stelles en Mongolie recueillis (Corpus Scriptorum Mongolorum)*. – Ulaanbaatar. 1968.
33. Sharipova Munira. Farg‘ona vodiysi nikoh to‘y marosimlarida milliylik va o‘ziga xoslik. Journal of new century innovations. Volume–15. 2022 – B. 121.
34. Tekin T. Orhon Türkçesi Grameri. Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara. 2016 S. – 81.
35. Temir A. Türkçe Kül-Tigin ve Moğolca Otçigin Adları Üzerine, K. Röhborn- H. W. Brands (hrsg.): *Scholia. Beiträge zur Turcologie und Zentralasienkunde.(Annemarie von Gabain zum 80.Geburtstag am 4. Juli 1981 dargebracth von Kollagen, Freunden und Schülern).* Wiesbaden, 1981: Harrasowitz. – S. 194-200.
36. Thomsen V. *Inscriptions de l’Orkhon déchiffrées*. (Mémoires de la Société Finno-Ougrienne 5, 1986 – P. 1-224). (*Orhon ve Yenisey Yazıtlarının Çözümü İlk Bildiri, Çözülmüş Orhon Yazıtları*. Çev. Vedat Köken, Ankara, 1993: TDK, 13-240). – S. 15-16.
37. Tryjarski E. L’Inscription turque runiforme d”Arkhanen, en Mongolie // Ural-Altaische Jahrbucher. Wiesbaden, 1965 36, fasc. 3-4. 1964 – P. 423-428.
38. Туркий адабиёт дурдоналари. Алишер Навиоий. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2022.
39. *Yıldırım K. Bozkırın Yitik Çocukları Juan-Juan’lar. – Istanbul: Yeditepe Yayınevi, 2015. – S. 82.*
40. Zeynep Ülkü Sinanoğlu. Arhanan Yazıtı Üzerine Notlar. Dil ve Edebiyat Araştırmaları (DEA), Sonbahar, 2021 – S. 391-407.
41. Харжаубай С.Надпись на скале Арханана // Хэл зохиол судлал . XIV.боть, 1-25-р дэвтэр.Улаанбаатар,1984 – Х. 90-93.;
42. https://surxontongi.uz/2023/12/27/qorongu-tunning-yorug-kuni-bor/
43. Adların mənası. https://news.milli.az/interest/508303.html